БҮТҮН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 32 (4023). | Жума, 14 февраль 1969 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ИККИ ОЙЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ЯКДИЛЛИК ВА БИРДАМЛИК БИЛАН

Ҳамза районидаги 230-мактаб биносига жойлашган 21-сайлов участкаси агитаторлари аҳоли ўртасида сайловолди тушунтириш ишларини авж олдириб юборишди. Суратда: агитаторлардан (чапдан) З. Юсуфхўжаева, К. Сандмаматов (ўртада) агитпункт мудири Қ. Тўлабоев, М. Ғафурова ва Ў. Томонов ўртоқлар навбатдаги иш режаларини маслаҳатлашмоқда.

16 МАРТ — Ўзбекистон ССР маҳаллий Советларига САЙЛОВЛАР КУНИ

Областимиз шаҳар ва районларида маҳаллий Советларга депутатликка номзодлар кўрсатиш қизғин давом этмоқда.

ОЛМАЛИҚ

Шаҳардаги 12-ўрта мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Тамара Александровна Липованинг коллективининг каттадан-кичиги ҳурмат қилади. Ана шунинг учун ҳам мактаб коллективи ўзининг яқинда бўлиб ўтган сайловолди йиғилишида унинг номини ифтиҳор билан тилга олиб, область Советига депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Салима Турдиқулова мебель фабрикасида кўп йилларидан бери ҳалол меҳнат қилиб, обрў ортдирганлардан. Мебелчилар ленинча меҳнат вахтасининг пешқадами, ўз касбдошлари Салима Турдиқуловани область Советига депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди.

Шунингдек, «Строймеханизация» трестининг 1-механизациялашган қурилиш бошқармаси ишчилари, инженер ва техник ходимлари ўзларининг сайловолди йиғинларида машинист-экскаваторчи Николай Кириллович Башкиров, 3-қурилиш бошқармасининг комплекс бригада бошлиғи Олим Каримов, 2-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчиси Ҳошим Мадалиевларни область Советига депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди.

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати клубида ўтказилган сайловолди йиғинида сўзга чиққан ўртоқлар меҳнатда ва шахсий ҳаётда кўпларга ўрнак кўрсатиб келаётган темир йўл цехининг электр слесари Феруза Аҳмедованинг номини ифтиҳор билан тилга олиб уни бир овоздан область Советига депутатлигига номзод қилиб тавсия этишди.

Оҳангаронда врач-гинеколог Қутби Тўхтаровани таниймайдиган киши кам десак бўлади. Тўхтарова кўп йилларидан буён инсон саломатлиги йўлида хизмат қилиб, обрў-эътибор қозонган. Шунинг учун ҳам Оҳангарон касалхонасида бўлган йиғинда Қутби Тўхтарова область Советига депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

ЧИРЧИҚ

Шаҳарда бўлиб ўтган йиғилишларда Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати техника контроли бўлимининг контролёри Назира Тожиева ва шу комбинат директори Воҳид Ҳайдаров ўртоқларнинг номзодлари область Советига депутатлигига кўрсатилди.

13-мактабнинг бошланғич синфлар ўқитувчиси Юля Сергеевна Ходакова бир неча йиллардан буён ёш авлодларимизга яхши таълим-тарбия бермоқда. Мактабдаги сайловолди йиғинида ўқитувчилар коллективи область Советига ана шу ҳурматли ўқитувчининг номзодини кўрсатишди.

Шунингдек, шаҳардаги сайловолди йиғинларида Чирчиқ электрохимия комбинатининг карбамид цехи лаборантаси Санобар Эшонқулова, 160-қурилиш трестининг бошқарувчиси Георгий Лаврович Кроткевич, «Узбекхиммаш» заводининг 2-қозон цехи кранчиси Валентина Григорьевна Логутина ҳамда «Чирчиқхимстрой» бошқармасининг 160-қурилиш трести машинист-экскаваторчиси Табарак Турдиналиев ўртоқларнинг номзоди бир овоздан область Советига депутатлигига тавсия этилди.

БЕКОБОД

Шаҳар меҳнаткашлари ишлаб чиқариш илғорлари, маданият пешқадамлари ҳамда актив жамоат вакилларини маҳаллий Советлар депутатлигига номзод қилиб кўрсатишмоқда. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинатининг кўпминг кишилик коллективи пўлат қуювчи Анвар Тошпўлатовни бир неча бор область Советига депутат қилиб сайлашган. У депутат бўлган вақтида сайловчиларнинг ишончини оқлаганлиги учун йиғилиш қатнашчилари уни яна область Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этишди.

Темир бетон буюмлари заводи ишчи ва хизматчилари область Совети депутатлигига ўзларининг номзодлари қилиб кранчи Любовь Семёновна Майстренко, цементчилар эса машинист, ёрдамчиси Валентина Михайловна Тулникович, ишчи Аширбой Бобоевни тавсия этдилар.

ЯНГИЙЎЛ

Пахта заводи ишчилари, инженер ва техник ходимлари ўзларининг сайловолди йиғинларида область Совети депутатлигига К. Эшмуҳамедованинг номзодини тавсия этдилар. Эшмуҳамедова чигитдан толани ажратиш касбининг моҳир устаси. У актив жамоатчи сифатида ҳам кўпчилигининг ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

Шаҳарлик пойафзалчилар ишлаб чиқариш ташаббускори установкачи Абдугамер Абдулаевни, мебелчилар эса ишчи Сафура Ёқубовани область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

ОҚҚУРҒОН

Район пахтакорлари, чорвадорлари ва боғбонларининг сайловолди йиғилишлари зўр кўтаринки руҳ билан ўтмоқда. «Ленинобод» колхози аъзолари ўз йиғинларида звено бошлиғи Абдурасул Мирзаевни область Совети депутатлигига якдиллик билан тавсия этишди. «Партия XXII съезди» колхози аъзолари эса илғор пахта устаси бригадир Ойниса Жайловова бизнинг номзодимиз бўлсин, деб қарор қилишди. Алимкент пахта тозалаш заводи ишчилари ва хизматчилари ишчи Вера Яковлевна Шпотнинг номзодини область Совети депутатлигига тавсия этишди.

БЕКОБОД РАЙОНИ

Колхоз ва совхозларда бўлиб ўтаётган сайловолди йиғинларида сўзга чиқаётган нотиқлар колхозда, қишлоқда ва районда ҳурмат-эътибор қозонган энг муносиб кишиларнинг номини тилга олиб, уларни область Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишмоқда.

Санобар Тешабоева ўзининг ҳалол меҳнати билан ана шундай ҳурмат қозонган сут соғувчилардан бири ҳисобланади. У Навоий номли колхозда кўп йилларидан буён меҳнат қилиб ўз қарамоғидаги ҳар бир сигирдан баракали ва мойли сут соғиб олмоқда. Шу боисдан ҳам колхозда бўлган сайловолди йиғинида колхозчилар илғор сут соғувчи, колхозчиларнинг фахри Санобар Тешабоеванинг номзодини бир овоздан область Совети депутатлигига тавсия этишди.

2-«Далварзин» ва «Октябрь 46 йиллиги» совхозларининг ишчилари, пахта усталари совхоз ишчиси Омина Мусаева ва Ли Мария ўртоқларни область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди.

БУКА РАЙОНИ

Охунбобоев номли колхоз аъзолари сут соғувчи Шоҳида Қаршибоевани якдиллик билан область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди. Тельман номли колхоз аъзолари йиғинида сўзга чиққан ўртоқлар колхознинг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи Ҳакимполвон Қодировнинг номзодини бир овоздан область Совети депутатлигига тавсия этишди.

Қутби Шомуродовани районда таниймайдиган ўқувчи-ю, отаона бўлмаса керак. Қутбихон кўп йилларидан буён Фурқат номли мактабда ёш авлод онгига билим чашмаларини сингдириб келмоқда. Мактаб коллективи унинг номини ҳурмат билан тилга олиб, область Советига депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди.

82-автобаза коллективи слесарлар бригадасининг бошлиғи Ахмад Йўлдошевни, Пискент шаҳар касалхонаси шифокорлари эса врач Сайёра Акбарҳўжаеванинг номзодини область Совети депутатлигига тавсия этишди.

БУСТОНЛИҚ РАЙОНИ

Ғазалкент консерва заводи клубига кирган кишининг ниятоҳи беихтиёр қизил алвонга ёзиб қўйилган «Энг илғор кишиларни маҳаллий Советларга депутатликка номзод қилиб кўрсатамиз» деб ёзилган шиорга тушади.

Улар ўз йиғинларида заводнинг илғор ишчиси Салтанат Исаеванинг номзодини бир овоздан маҳаллий Совет депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди. 14-«Хўжакент» боғдорчилик-виночилик совхозининг ишчилари совхоз ишчиси Бўлди Қорабоева, «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози аъзолари колхозчи Нури Ҳошимбоевани область Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этишди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ

Свердлов номли колхоз клубида бўлган сайловолди йиғинида қишлоқ хўжалиги артели аъзолари колхозчи Хайринисо Отабоева номини ҳурмат билан тилга олиб, уни бизнинг номзодимиз бўлсин дейишди. «Ленинобод» колхози аъзолари эса колхозчи Тожи Ўрмоновни бир овоздан область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди.

ТЕЖАМКОРЛИК

Тушки овқатдан қайтаётган йигитлар ташландиқ яшчик олдида тўхтаб қолишди.

— Буни қара, — деди улардан бири ҳамсуҳбатининг гапини бўлиб, — шунча ғалтак ишга яроқсиз сочилиб ётибди. Уларни тайёрлашга озмунча куч, пул кетганми?

— Бор гапни айтдинг дўстим, маъқуллади гапини ҳамроҳи. Железновга айтсак, эрталаб ўраладиган сим излаб юрувди, балки ичидан кераклигини ажратиб олар.

Гап оғизда қолиб кетмади. Слесарлар И. Соғатов ва Н. Карачунлар цех олдида ишчилар билан суҳбатлашиб турган Железновни кўриб, у томон юрдилар.

— Биласанми, Коля, — гап бошлади Соғатов, — анави ерда икки машинали генератор агрегатидан олиб ташланган талайгина ғалтаклар ётибди. Менимча сен излаётган сим омборда бўлмаса керак. Улардан ишга яроқлигини ажратиб олса бўлади.

Чиндан ҳам йигитлар ғалтаклардан бирига ўралган симни кўришса тагидан худди кечагина заводдан келтирилгандек янгиси чиқди.

— Мана бунисн ажойиб иш бўлди, — деди мамнун ҳолда Железнов симнинг диаметрини ўлчаб. — Ҳали у хизматини ўтаб бўлганича йўқ. Ўнлаб матрни юргизишга кучи етади.

Ишчилар биргалашиб яшчикни кичик электр машиналарини ремонт қилиш цехига олиб келишди. Кейин чамалаб кўришса симлар ҳатто бир ойга ҳам етиши аниқланди. Натижада бригада моторларни муддатидан икки кун олдин тайёрлаб, йиғув цехига юборди.

Ана шу кундан бошлаб Н. Железнов бригадаси авваллари ишга яроқсиз деб ҳисобланган 1,0 ва 1,08 миллиметрли симларни тўғридан тўғри шу ернинг ўзида ёздириб оладиган бўлди. Буёғи қимматли 150 килограмм мис сим тежаб қолинди.

— Ҳар бир тийинни, ҳар бир килограмм металлни тежаш лозим, — деган доно кўрсатмага амал қилаётган цех коллективи улуғ доҳиймиз туғилган кунинг юз йиллиги шарафига қўшимча мажбурият олиб ишлаяпти.

Ўтган ой планини 120 процент қилиб бажарган бу азаматлар пландан ташқари турли маркали 12 моторни ремонт қилиб беришга аҳд қилишган.

А. ПАРИМОВА

«Октябрь революцияси» номли Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Свердлов номли колхоз чорвадорлари беш йилликнинг тўртинчи йилини дастлабки ойидаёқ катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар ҳамиша маҳсулот тайёрлаш планларини ҳар доим муддатидан олдин бажаришади ва бу соҳадан катта даромад олишади.

Хўжалик чорвадорлари бундан икки ой илгари 378 бош қорамолни гўштга сотиш учун ажратиб бўрдоқига боқдилар. Анорбой Сеймқулов, Бўтан Ўсенбоева, Ким Евгенийлар бу молларни зооветеринария қоидаларига биноан астойдил парвариш қилиб, қабул пунктига ўтказишди. Гўштга топширилган молларнинг ҳар бири 320—340 килограммдан тош босиб, юқори ва биринчи сортларга қабул қилинди. 126 тонна гўшт давлатга сотилиб, январь ойидаёқ ярим йиллик пландагига нисбатан 160 центнердан зиёд чорва маҳсулоти меҳнаткашлар дастурхонига етказилди.

Хўжаликда йилнинг иккинчи ярми ҳисобига гўштга сотиш учун 900 бош қўй ажратилди. Юқори Чирчиқ районидаги бу хўжаликнинг чорвадорлари уларни юқори семизликда сотиш учун шу кунларда қизғин курашмоқда.

И. ОДИЛОВ.

КАЛИНИН районидаги Собир Рахимов номли колхознинг илғор сут соғувчиси Санталат Абдуллаева беш йилликнинг тўртинчи йилида 46 тонна сут соғиб топшириш мажбуриятини олган. У шу кунларда ўз мажбуриятини бажариш учун намунали меҳнат қиляпти. Суратда: Санталат Абдуллаева.

А. Тўраев фотоси.

Республикамизнинг янги химия гиганти — Олмалиқ химия заводи қурилиши тез суръатлар билан давом этмоқда. Юзлаб қўли гул бунёдкорлар улкан корхонани кун сайин кўкка бўй чўздирмоқдалар. Суратда: пешқадам кранчи П. Цаципин. У ойлик топшириқларни муваффақиятли бажармоқда.

А. Абалян фотоси.

БИНОКОРЛАР УЧРАШУВИ

СССР Қурилиш министрлиги қурилиш ташкилотлари ва корхоналари активларининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида қатнашган меҳмонлар Ўзбекистон қурилиш индустриясининг йирик иншоотлари ва корхоналарига сафар қилдилар. Қардош республикалардан келган мутахассислар 12 февраль куни тўрт шаҳар қурилиш майдончаларини бориб кўрдилар. Олмалиқда улар аммофос заводи ва полиметалл комбинати қурилиши билан, Чирчиқда электр-химия комбинати билан ҳамда илғор 10-автобазада ишларнинг қандай ташкил этилганлиги билан, Алғренда биноқорлик материалларининг бир гуруҳ корхоналари қандай барпо этилаётганлиги билан танишдилар.

Меҳмонлар Тошкентда лойиҳада кўрсатилган қувватидан уч баравар ўзиб кетган биринчи уйсозлик комбинатининг иш тажрибасини ўргандилар. Биноқорлар Бутуниттифоқ учрашувининг кўпгина қатнашчилари Тошкент қурилишида иштирок этаётган ўз юртдошлари билан учрашдилар, қардош республикалар юборган қурилиш-монтаж поездлари қурган кварталларни бориб кўрдилар.

(ЎзТАГ).

КЎЧАТЛАРНИ ҚИШДА ЯХШИ САҚЛАЙЛИК

КЕЛЕС, («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Калинин районидаги Ленин номли колхозда ўтган йили ажойиб бир иш бошланган эди. Қувончли якунланди ўшанда. Колхозчилар плёнкалар тагида бодринг ўстиришни бошлаб юборган эдилар. Дастлабки йили 0,40 гектар майдонга темирлардан ишкомлар қилиниб, усти плёнкалар билан ёпилди. Унинг тагида эса гўё ёздагидек бодринг ўстирилди. Қиш кунларига қарамай ниҳолларга парвариш кундан-кунга кучайтирила берди. Одамлар гайрат кўрсатишди. Деҳқонлар кутганидан ҳам кўпроқ ҳосил етиштирилди. Бодринглар эрта пишиб, барвақт савдо дўконларига етказиб берилди. Пули ҳам яхши бўлди.

Ҳисоб-китоблар деҳқонларнинг қиши билан ёмон ишламаганликларини кўрсатиб турибди. 5600 ўрнига 7880 килограмм эртанги бодринг етиштирилди. Барча ҳаражатлар қопланди. Пландан ташқари маҳсулот топширилганлиги натижасида 925 сўм фойда олинди. 0,40 гектар майдон хўжаликка 2 минг сўм фойда келтирди.

Колхозчилар ўтган йилдаги бундай ажойиб ютуқларни эндиликда ҳалол меҳнат қилиш билан мустаҳкамламоқдалар. Бу йил улар плёнкалар остида ҳосил етиштиришни 2 гектарга кўпайтиришга қарор қилдилар. Ҳозир бу ишни амалга оширишнинг барча зарур чоралари кўрилмоқда. Колхозчилар ҳар бир кундан тўғри фойдаланиб, об-ҳавонинг қийинчиликларини мардонавор енгган ҳолда ишлаяптилар.

— Биз, — дейди колхоз раиси Ғиёсжон ака Умаров, — бу ишлар билан кифояланиб қолмаймиз. Эндиликда колхозчиларимизнинг бутун куч ва эътиборини эртанги сабзавот маҳсулотлари етиштиришга қаратяпмиз. Парник хўжалигида ишлар кундан-кунга авж олдирилянти. Сабзавоткорлар кечалари ҳам, кундузлари ҳам меҳнат қилишиб, кўчатларни совуққа урдириб юбормаслиқ, қорасон касалига дучор қилмаслиқ учун ҳаракат қиляптилар. Карам кўчатлари иссиқ жойларда сақланаётир. Шу билан бирга кўчатларни расад қилиш ишларини ҳам амалга ошириямиз. Қисқа вақт ичида 100 мингдан ортиқ тувакчага расад қилиб қўйдик. Биз расад қилинадиган жойларни тайёрлашни кучайтириб юбордик. Кўчатлар ўстирилиладиган ўралар тозаланаётир. Гўнг ташиб келтириш кучайтирилмоқда.

Колхозчиларимизнинг ҳаракати зўр. Улар В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб нишонлаш учун курашиб, аҳолига шу йилнинг ўзидаёқ 11 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириб бериш учун ҳаракат қилаётирлар.

РАЙОН ГАЗЕТАСИДА ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ

Бекобод районида чиқадиган «Коммунист» газетаси ҳузурида журналистика билимлари халқ университети ташкил этилди.

Газета тингловчилар учун мўлжалланган ўзининг бир йиллик ўқув программасини ҳам эълон қилди. Программада совет матбуоти тарихи, журналистик билимларига оид турли хил лекция ва суҳбатлар, меҳнат ветеранлари, таниқли журналистлар, партия ва совет ходимлари билан учрашувлар бор.

Яқинда журналистика билимлари халқ университетининг дастлабки машғулоти бўлиб ўтди. Машғулотга колхоз, совхоз, завод ва мактаблардан ишчи-қишлоқ мухбирлари, деворий газета редакторларидан 110 киши иштирок этди.

Биринчи машғулотда Бекобод район партия комитетининг секретари ўртоқ Т. Уммаров КПСС Марказий Комитетининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда район газеталари ролини ошириш тўғрисида 1968 йил сентябрь ойида қабул қилган қарори ва ишчи-қишлоқ мухбирларининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Докладчи район халқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан беш йилликнинг тўртинчи йилида қилинадиган муҳим ишлар ва бунда матбуотнинг роли, илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳақида батафсил тўхталди.

Ленин орденли кекса педагог С. Жиянов эса Совет давлатининг дастлабки йилларида районда маориф ишларининг йўлга қўйилиши ҳамда В. И. Ленининг қадамжойларига қилган саёҳатидан олган таассуротлари ҳақида сўзлаб берди.

Шундан сўнг «Коммунист» газетасининг редактори ўртоқ А. Қодиров журналистика билимлари халқ университетининг ташкилий ишларига тўхталди.

Дастлабки машғулот халқ университети тингловчиларида яхши таассурот қолдирди.

САЛОМАТЛИК КУНИ

Ақлий меҳнат кишилари соғлиқни сақлаш учун нималар қилишлари керак, ақлий меҳнат гигиенаси қандай? Бу ва шунга ўхшаш саволларга матбуот, радио ва телевидение ходимларининг Саломатлик кунида қатнашган мутахассис медиклар жавоб бершди. Саломатлик куни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти залида ўтказилди. Унинг қатнашчилари медицина янгиликлари билан таништилар, қизиқарли илмий-оммабоп фильмларни кўрдилар, фойдали маслаҳатлар олдилар.

ТОШКЕНТДАГИ энергетика ва автоматика илмий-текшириш институтида ҳозир янги эксперименталь установка монтаж қилинмоқда. Бу йирик генератор ишга тушгач, илмий-тадқиқотлар олиб борилиши ишлари кулами тағин ҳам кенгаяди. Суратда: монтажчилардан В. Ермолов ва Я. Носиров ўртоқлар иш устида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ҚУРИЛИШ ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ

Зилзиладан сўнг ўтган икки ярим йил ичида фақатгина «Главташкентстрой» ташкилотлари томонидан бу ерда миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой қурилди. Ўнлаб мактаблар, болалар боғчалари, саноат корхоналари ва бошқа объектлар қад кўтарди. Янги микрорайонлар ва кварталлар пайдо бўлди.

Главка бинокорлари олдида ҳали катта вазифалар турибди. Қурилишнинг илмий-техника даражасини тинмай ошириб бориш белгиланган бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бунинг учун қурилиш давомида орттирилган илғор тажрибани, республикадагина эмас, балки бутун мамлакатда қурилиш практикасида вужудга келган янгиликларни кенг жорий қилиш лозим. Бу масалада тошкентлик бинокорларнинг омади келди. Чунки республикамиз пойтахти Бутуниттифоқ қурилиш майдони, дорилфунуни бўлиб қолди.

Қардош бинокорлар фақат ажойиб уй-жойларгина қуриб қолмасдан ўзларининг қимматбаҳо тажрибаларини ҳам ўргатмоқдалар. Қардош бинокорларнинг қурилиш майдонларида тошкентлик бинокорлар учун илғор тажриба мактабларини ташкил этилди. Бу билан эса улар ишидаги янгиликларни ўрганиш имкони туғилди.

Масалан, москвалик ва ленинградлик бинокорлар тажрибаси асосида трестларнинг бири уй-жой массивларини комплекс қуришга ихтисослаштирилди. Бу трест уй-жойларгина қуриб қолмай, айни вақтда ҳам олиш зоналари, шу массив аҳолисига хизмат кўрсатувчи турли муассасаларни ҳам бирйўла қўлдан чиқарди. 10-«Жилстрой» тресті шунга мослаштирилиб тузилди. Унга Москва, РСФСР, Украина бинокорларининг қатор базалари, улардаги асбоб-ускуналар, инвентарлар, остнасткалар, техника ҳужжатлари ҳам берилади. Трест ихтиёрида пардозлаш ва механизация бошқармалари ишлайди.

Қурилишни ихтисослаштириш соҳасида яна бир тадбир кўрилди. Яқинда «Ташинжстрой» тресті ташкил этилди. У йирик магистрал инженерлик коммуникацияларини қуриш билан шуғулланади.

Бу коммуникациялар орасида узунлиги 6 километр бўлган Салор канализация коллектори ҳам бор. Коллекторнинг Шота Руставели кўчасидан ўтадиган биринчи навбати лойиҳага мувофиқ 8—10 метр чуқурликда кавланиши ва шундан сўнг икки-икки ярим метр диаметрли темир-бетон трубалари ётқизилиши керак эди.

Трест мутахассислари бошқа усулни таклиф қилдилар. Улар ер остидан ўтадиган коллекторни шчитлар ёрдамида қуришни ёқлаб чиқишди. Шундан сўнг трест составида кон-проходка бошқармаси ташкил этилди. Унинг коллективи қисқа муддат ичида Ўзбекистон учунгина эмас, балки бутун Ўрта Осиё учун янгилик ҳисобланган бу усулни ўзлаштирдилар.

Ҳозирги вақтда тўртта проходка шчити коллектор очишда фойдаланилмоқда. Ҳар кунн ҳар бир шчит билан уч метр коллектор қазиляпти. «Оргтехстрой» трести томонидан ўтказилган дастлабки анализ бу усулнинг жуда кўп афзалликлари борлигини кўрсатди.

Қурилишни ихтисослаштириш қатори объектларни тўла йиғиб қуриш соҳасида ҳам маълум ютуқлар қўлга киритилди. Бундан ўн йил муқаддам шаҳарда бор-йўғи 70—80 минг квадрат метр сатҳли уйлар қуриларди. Уларда асосан ишт ишлатиларди. Ўтган йили фақатгина йирик панелли уйлардан 400 минг квадрат метрга яқини фойдаланишга топширилди. Бу уй қурилиши умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

Тошкентда тўққиз ва ундан ҳам ошиқ қаватли иморатлар қуриш йилдан-йилга кенгайиб боради. Кўпчилик маъмурий, касалхона, олий ўқув юртлари, меҳмонхоналар шундай қўпқаватли бўлади. Шу муносабат билан қатор қийинчиликлар туғилади. Масалан, вертикал транспорт масаласини ойлик. Ҳозирги вақтда бундай транспорт «Главташкентстрой»да йўқ. «Главмосстрой» ўз эҳтиёжлари учун бундай кўтаргичларни Карачаровск заводида тайёрламоқда. «Главташкентстрой» эса бундай механизмларни қаердан олишини билмаяпти. Бундай кўтаргичлар, ленинградлик, киевлик ва минсклик бинокорлар илғор тажриба мактабларида намойиш қилган ўнлаб қимматли инструментлар, мосламалар, бутун қурилмаларни ишлаб чиқариш учун Главка ҳузурида жуда бўлмаганда тажриба цехи қурилиши керак. Бу кечиктириб бўлмас масаладир. Бу ишда республика Госплани ёрдам бериши лозим. У ташкил этилса ҳозирги вақтда жорий қилишнинг имкони бўлмаётган илмий-тадқиқот институтларининг қатор тавсияларини амалга ошириш ҳам мумкин бўлар эди.

Тошкент бинокорлари сўнгги йилларда техника тараққиётига эътиборни кучайтириб, тўғри йўл тутмоқдалар. Янги техника ва технология кенг жорий қилинмоқда. Раҳбар ходимларнинг бу соҳадаги масъулияти оширилди. Шу туфайли ҳам ўтган йили техникани тараққий эттириш йўли билан 4 миллион сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара кўрилди.

Тошкент қурилишларида катта резервлар борлигини кўрсатувчи бир қанча бошқа мисоллар келтириш мумкин. 6-темир-бетон буюмлари заводида ирригация қайиқчалари тайёрловчи механизациялашган поток линия ишга туширилди. Бундан 342 минг сўм фойда кўрилди.

1968 йилдан бошлаб пардозлаш материалларини контейнерларда ташиш қўлланилмоқда. Москвалик бинокорлар тажрибаси асосида 8 та автоматлашган бетон узели қурилди. Иккинчи темир-бетон буюмлари заводида босимсиз трубалар ишлаб чиқариш бўйича юксак унумли автоматлашган қурилма фойдаланилмоқда. 2-уйсозлик комбинатининг иккинчи навбатида бетон қоришмасини электр токи билан иситишни жорий қилиш назарда тутиляпти.

Шу ерда муҳим бир масала ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. «Главташкентстрой»га қарашли 1500 дан ортиқ машина ва механизмлар иккита ихтисослашган механизация трестларида тўпланган. Лекин ачинарлиси шу ердаки, Главка ихтиёрида бинокорлик техникасини ремонт қилиш учун биргина ҳам завод йўқ. Ремонт базасининг йўқлиги механизмлардан анчада яхшироқ фойдаланишга халақит беряпти. СССР Госплани бу масалада Главкага ёрдам берса жуда мақбул иш бўлур эди.

Главка ва трестлар сўнгги вақтларда планлаштириш ва бошқаришнинг тармоқ усулини жорий қилиш масаласи билан шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Бу соҳада дастлабки тажриба тўпланди. Прогрессив усулни биринчи дурадгорлик буюмлари заводи қурилишида қўлланиш билан 200 минг сўмликдан кўпроқ давлат маблағи иқтисод қилинди. 3, 11 ва 159-қурилиш трестлари қатор объектларни тармоқ графиги асосида қуриб ўнларча минг сўм фойда кўрдилар. Ҳозир бу прогрессив усул 23 та объект қурилишида қўлланилмоқда.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида Главка бинокорлари зиммасига янада масъулиятли вазифа юклатилади. Қурилиш ишлари ҳажми анча ортади. Бунинг учун ишчилар сонини анчагина кўпайтирмасдан меҳнат унумдорлигини кам деганда 7-8 процент ошириш лозим. Барча қурилиш майдонларида илғор иш усулларини кенг жорий қилиш, прогрессив усулларни қўлланиш, техника тараққиётини тезлаштиришга эътиборни кучайтириш йўли билан бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

А. ИКРОМОВ.

ВРАЧНИНГ АХБОРОТ БУРЧАГИ

Қайдай янги дори-дармонлар ишлаб чиқарилмоқда? Улар қайси касалликларни даволашда фойдаланилади? Бу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб олмоқчи бўлсангиз, Тошкентдаги 7-дорихонага мурожаат қилишингиз мумкин.

Бу ердаги «Врачнинг ахборот бурчаги» сизнинг хизматингизда. Тажрибали доришунослар, врачлар медицина янгиликлари ҳақида ҳам кўп нарсаларни айтиб берадилар.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ташаббуси билан яқинда мазкур дорихонада ташкил этилган бу бўлим медицинага оид савол-жавоблардан ташқари район дорихоналарига дори-дармонларни юбориб туришни ҳам бошқариб боради.

«Врачнинг ахборот бурчаги» хизматидан кишилар мамнун бўлишяпти. Бу ерда янги дафтарча ҳам тутилди. Унга хирург, терапевт, травматолог, стоматолог, фельдшер ва бошқа ихтисосдаги шифокорларнинг маслаҳатлари ёзиб борилади. Янги бурчак шифокорларнинг тажриба алмашиш марказига айланиб қолди.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Ўртоқ» кондитер фабрикаси коллективи йил сайин, ширинликлар ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда. Улар янги йилда бултургига нисбатан 1000 тонна кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар. Суратларда (чапда) фабрикининг катта кимёгари Осиё Имомова ва смена кимёгари Жамила Одилова ўртоқлар янги хил конфетларни кўздан кечирмоқдалар. Унгда эса, конфетларни ўраш конвейерларидан бирини кўриб турибсиз.

В. Лейзерович фотоси, (ЎзТАГ).

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ПАРТКОМ СЕКРЕТАРИ

Қудрат армия сафига чақирилганида дурустгина ташкилотчи бўлиб қолган эди. Уч йил колхозда комсомол ташкилотининг секретари бўлиб анча чиниқди, кишилар билан муомала қилишни, иш юритишни ўрганди. Армияда партия аъзолигига қабул қилингач, жамоат ишларида яна ҳам актив қатнашадиган бўлди. Тинмай ўз сиёсий онгини оширди. Ташкилотчилик санъатини эгаллади. Бу кейинчалик катта иш берди...

Райкомдагиларнинг боши қотган эди. Нима учун бошқа колхоз ва совхозлар ерига ер туташган «Октябрь 40 йиллиги» колхози йил сайин чўкиб боряпти. Ишчи кучи камми, техника етишмайдими? Йўқ, ҳаммаси жойида. Бўлмаса раҳбарлар ўқувсизлик қилишяптими?

Колхозга янги тажрибали раис сайланди. Партком секретарлигига эса райком ўз инструктори Қудрат Умаровни тавсия этди.

Уч кун у идорадан ташқарига чиқмади. Партия ташкилотининг фаолияти билан ичидан ичигасигача танишиб ишдаги жами камчиликларни ўрганди. Ҳар бир коммунистнинг шахсий ҳаёти ва фаолияти шунда унга аён бўлди. Сўнгра колхоз қишлоқларини кезди. Хўжақўрғон, Қорасув, Қорабоғда бўлди. Тор кўчалар, кўримсиз турар-жойлар. Ва бир клуб бор, ва кинотеатр.

Шу кеча уйга ҳомуш қайтди. Толиққан эди у. Буни отаси ҳам пайқади. Индамай ўғлига чой узатди-да:

— Аҳволимиз ана шунақа, ўғлим, — деди ота, — Сенга насиҳатим шуки, қийинчиликлар олдида тушкунликка тушма. Унда енгилиб қоласан. Биринчи бор колхоз активлари, қариялар, тажрибали бободеҳқонларнинг панд-насиҳатларини назарда тутсанг кам бўлмайсан.

Бир ҳафтадан сўнг коммунистларнинг йиғилиши бўлди. Бунга активлар, нуроний отаонлар, навқирон комсомол-ёшлардан вакиллар таклиф этилди. Кун тартибида пахта кампаниясига пухта ҳозирлик кўришда колхоз коммунистларининг роли, деган масала кўрилди.

Даставвал Қудрат ака кадрлар масаласи устида тўхталиб ўтди. У йиғилганлар орасида кадрларнинг ишлаб чиқаришда нақадар катта куч эканлиги ҳақида батафсил гапирди, фикрларини колхоз ҳаётидан мисоллар билан боғлади.

— Айниқса Бекбош Нуриев бошлиқ 10-бригада, Эшзод Сандов раҳбарлик қилаётган 24-звенода, Давлат Мадаминов бошлиқ 12-бригадада аҳвол чатоқ, — деди партком секретари. — Бу бригада ва звеноларда сурункасига ҳосилдорлик 18-19 центнерда қолиб келяпти. Бунинг учун ҳар биримиз, айниқса раҳбар ходимлар, звено ва бригада бошлиқлари айбдор.

— Ҳақ гапни айтдинг, —деди отахонлардан бири жойидан туриб, — кадрлар бизнинг қудратли кучимиз, таянчимиз. Ҳар бир ишда уларга суянамиз. Шундай экан, раҳбарликка энг ишчан, ҳаққоний ўғилларимизни тайинлайлик. Шиқоат кўрсатиб меҳнат қилаётган Сайфиддин, Режаб, Қоржоу, Саввар ва Анвар каби ўнлаб ёшлар бор. Ана шуларни звено ва бригадаларга бошлиқ қилиб тайинлайлик, иш юришиб кетса ажаб эмас.

Сўзга чиққан ўртоқлар отанинг бу фикрини қўллаб-қувватлашди...

Қудрат ака иш жараёнида доимо бюро аъзолари, актив коммунистлар билан маслаҳатда бўлди. Текшириш натижасида 10-бригада бошлиғи Бекбош Нуриев бутун ишини ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги аниқланди. Аъзолар ҳам ундан норози экан. Қобилиятсиз, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган одам катта бир коллективга қандай қилиб раҳбарлик қилсин?! Шунинг учун ҳам ҳар йили зўрба-зўр 16-17 центнердан ҳосил олинади.

Мажлис қарори билан бригадир ишдан олинди. 10-бригада ўрнида 2 та нарядсиз звено ташкил топди. Коммунистлардан Мардон Орипов ва Галя Михаил звено бошлиқлари қилиб тайинланди. Ёш коммунистлар тез ўтмай партком ишончини оқлашди. Ҳосилдорлик икки-уч йил мобайнида 33-35 центнерга кўтарилди. Деҳқонларнинг турмуш шароити яхшиланди, фаровонлиги ошди. 24-звенога раҳбарлик қилиш эса А. Аслоновга топширилди. 12-бригада бошлиғи Давлат Мадаминов ўрнига коммунист, қишлоқ хўжалиги техникуми талабаси Наримон Камолов тайинланди. Бу тадбирлар яхши самара берди. Бригадада ҳосилдорлик 18 дан 36 центнерга ўсди.

Ўтган йили колхоз правленеси партия ташкилоти билан ҳамкорликда иш олиб бориб, катта ташкилий тадбирларни амалга оширди. Йил якуни қувончли бўлди. Ҳосилдорлик 19 центнердан 22 центнерга кўтарилиб, йиллик план ортиғи билан бажарилди.

— Қудратжон ўғлимиз ташкилотчи, — дейишади қариялар, — биз уни ўз фарзандимиз деб биламиз. Чунки Қудратжон ҳар бир колхозчини ўз ота-онасидек, ака-укасидек билади, кўрслик қилмайди. Хушмуомалалик, ширин сўз билан қалбга йўл топади.

Партком секретари ишга келганига тўрт йил бўлди. Шу йиллар ичида коммунистлар сафи ишчан ва оташқалбли ёшлар ҳисобига ўсди. Қудрат аканинг тавсияси билан С. Саломов, Р. Боисбоев, С. Усенов, О. Кузанбоев каби бир қатор комсомоллар партияга ўтишди. Эндиликда бу ғайратли қишлоқ ёшлари звено ва бригадаларга раҳбарлик қилишиб, ўз устозларининг ишончини оқламоқдалар.

Партком секретари Қудрат Умаров омма ўртасида ташкилотчилик ишларини олиб боришда ҳам намуна кўрсатмоқда. У хўжаликда ҳосилдорликни оширишда, қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида таълим-тарбия ишларини йўлга қўйишда доим жонкуярлик қилмоқда.

И. ЮСУПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири
Бўка районы.

ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ЕР БАҒРИНИ ТЕКШИРУВЧИ АСБОБ

ЯНГИ конструкциядаги гравиметр сузаётган кемадан туриб фойдали қазилма ётган жойларни аниқлашга имкон беради. Бутуниттифоқ геофизик разведка методлари институтининг олимлари шу асбобни ишлаб чиқдилар.

Янги гравиметрга қўйилган махсус қурилма оғирлик кучи ўзгаришлари ўлчови маълумотларини шифрланган ҳолда ёзиб олади. Бу маълумотлар электрон ҳисоб машиналарида узилкесил ишлаб чиқилади. Бундай усул кейинчалик бажарилиадиган разведка ишлари учун тайёр информация беришни тезлаштиради ва соддалаштиради.

Ёш физикларнинг Бокуда бўлиб ўтган илмий конференциясида олимлар қилган мана шу янги ишлар тўғрисида гапирдилар.

(ТАСС мухбири).
БОКУ.

МАГНИТЛАНГАН СУВ

СССР Фанлар академияси кончилик ишлари институтининг илмий ходимлари ўтказган бир туркум тажрибаларда баъзи бир минералларни ажратиб олиш учун магнитланган сувдан фойдаланилди.

Калангуй кон бошқармасида сувни магнитлайдиган установка монтаж қилинди. Установка флюоритни ажратиб олиш ва саралаш бошланадиган процесс бошига қўйилди. Ўтказилган тажриба яхши натижалар берди. Бошқа минералларни ажратиб олишда ҳам магнитланган сув муваффақиятли равишда синаб кўрилди.

Магнитланган сув минерал ажратиб олишни кўпайтиради, маҳсулот сифатини яхшилайди ва реактив модда сарфини камайтиради.

Л. ФАДЕЕВ.
(ТАСС мухбири).
ЧИТА.

ХАЛҚ ТЕАТРЛАРИ КЎРИГИ

В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллигини нишонлаш юзасидан республика пойтахтида халқ театрлари, ҳаваскорлик драма коллективларининг кўриги ва бадиий сўз усталарининг конкурси бошланди. Кўрикдан кўзда тутилган асосий мақсад-театр санъати воситалари ёрдамида Коммунистик партия билан Совет давлатининг асосчиси—Ленининг жаҳоншумул тарихий ролини, ленинча миллий сиёсат тантанасини кўрсатишдан иборат.

Тўрт босқичда ўтказиладиган кўрик кунлари ҳаваскор артистлар ишчи клублари, маданият ўйлари ва саройлари саҳнасида энг яхши спектакларни кўрсатадилар. Профессионал санъат билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш туфайли эришилган юксак ижрочилик маҳоратини намойиш қиладилар. Якунловчи концерт март ойининг охиларида бўлади.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО КОНКУРСГА

Бу тасвирий санъат студияси ўз мактабини яратди, десак ҳато қилмаган бўламиз. Бунинг иш бошлаганига ҳам 20 йилдан ортди. Чирчиқ шаҳар пионерлар саройи ташкил этилган дастлабки йилларда бу студияга ҳам асос солинган эди.

Йиллар ўтди. Қанчадан-қанча ихлосмандлар санъат «сир»ларидан баҳраманд бўлдилар. Мана энди студия ҳаваскорлари қўли билан яратилган асарларнинг ўзи катта бир кўргазмани ташкил этади.

Ёш ҳайкалтарошлар ижодини айтмайсизми! «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий», «Спартак», «Александр Невский», «Космонавт» деб номланган асарлари ёш ижодкорларнинг республика, Иттифоқ кўргазмаларида намойиш қилинди, ёрлиқ ва дипломлар билан мукофотланди.

Ёш ҳайкалтарошлар ҳозир яна бир катта ижодий имтиҳон олдида турибдилар. Болалар тасвирий санъати халқаро конкурсига студия ижодкорлари ҳам қатнашиш ҳуқуқини олдилар. Бу кўрикка энг яхши асарлар тақдим этилди.



Шу кунларда колхоз ва совхозларимизда механизатор кадрларни тайёрлаш қизғин тус олди. Ҳар бир колхоз ва совхозда ёшлар техникага ўргатилмоқда. Улар машғулотларга фаол қатнашиб билимларини мустаҳкамлаётирлар.

Янги йўлдаги Ўрта Осиё машиналарни синаш станциясида ҳам ўрганиш республика мактаби ишлаб турибди. Бу ерга жуда кўп механизаторлар келиб билим малакаларини яна мустаҳкамламоқдалар. Янгидан-янги машиналар билан танишяптилар. Бу ердаги ҳар куни машғулот қизиқарли, тингловчиларнинг актив иштирокида ўтади. Суратда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони машҳур механизатор Валентин Тюпко Тошкент ва Сирдарё областларининг хўжаликларидан келган механизаторлар билан машғулот ўтказмоқда.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ).

МЕҲНАТ БОЙЛИК КЕЛТИРДИ

Беш йилликнинг учинчи йилида қишлоқ меҳнаткашлари қандай ютуқларга эришдилар? Ҳозирги вақтда мана шулар ҳақида колхозчилар ўзларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида сўз юритмоқдалар. 1968 йилда қўлга киритилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларга якун ясаб, 1969 йилги вазифаларни белгилаб олмоқдалар. Худди ана шундай йиғилиш яқинда Бекобод районидаги «Победа» колхозида бўлиб ўтди.

Хўжалик аъзолари катта-катта қийинчиликларга дуч келдилар. Аммо, шунга қарамай, қувончли натижаларни қўлга киритдилар. Йиллик планни бажарибгина қолмай, зиммага олинган қўшимча мажбуриятлар ҳам ортиги билан адо этилди. Колхоз азаматлари 1967 йилдагига нисбатан 536 тонна, ёки 1968 йилнинг планига нисбатан 682 тонна кўп «оқ олтин» етказиб бердилар.

Бу муваффақиятларга осонликча эришилгани йўқ. Колхоз деҳқонлари ўтган йилнинг қаҳратон қишида катта-катта пахта майдонларининг шўрини ювдилар, яхоб бердилар. Далага кўплаб маҳаллий ўғит солдилар. Кўкламги экишга пухта тайёргарлик кўриб, уни қисқа муддатларда сифатли ўтказдилар. Бутун ёз бўйи астойдил меҳнат қилдилар. Гектарларда тўлиқ кўчатлар сақлаб қолиш ва ҳар бир туп ғўзада мўл ҳосил етиштириш учун қайғурдилар. Ғўзани озиқлантириш, суғориш, чеканка ва дефолиация қилиш ўз вақтида сифатли ўтказилди. Теримга пухта тайёргарлик билан киришилди ва бу иш уюшқоқлик билан олиб борилди. Машина терими ғалаба калиди бўлди.

Колхозда ҳосилдорлик бир йилда 3,5 центнерга кўпайди. Пландагига нисбатан эса 4,5 центнерга оширилди. Ҳар бир гектар майдондан 20 ўрнига 24,5 центнердан «оқ олтин» олинди. Ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Э. Ҳатамов 1968 йилда қилинган ишларга тўхталар экан, бундай деди:

— Бу ютуқларни қўлга киритишимизда партия ва ҳукуматимизнинг ёрдами катта бўлди. Шу туфайли суғориш иншоотлари тўбдан яхшиланди, каналлар бетонлаштирилди. Зовурлар ўз вақтида тозаланди. Техника ва минерал ўғитлар билан етарлича таъминландик.

Колхознинг умумий пул даромади 1 миллион 967,3 минг сўмни ташкил қилди. Пахтачиликдан 1 миллион 669 минг сўм, шоличиликдан 130,2 минг сўм, чорвачиликдан 98,8 минг сўм ва паллачиликдан 11,7 минг сўм даромад қилинди. Бу колхозимиз барча меҳнаткашларининг чинакам қаҳрамонлик кўрсатиб меҳнат қилишлари натижасидир. Планда белгиланганига кўра ҳар бир колхозчининг ўртача бир иш кунига 2 сўм 92 тийин, бериладиган эди. Даромад кўпайганлиги туфайли ҳар бир колхозчининг бир иш кунига 4 сўм 29 тийиндан тақсимланди. Пахтачиликда ишлаган деҳқонларнинг бир иш кунига эса 6 сўмдан ортиқ пул тўғри келди.

Ўртоқ Дўстбой Маматкаримов бошлиқ бригада пахтакорлари йил давомида олиб келган ҳақларининг ҳар бир сўми ҳисобига яна 1 сўм 64 тийиндан ҳақ олдилар. Ўртоқ Равшан Эшбоев бошлиқ звено пахтакорлари эса олган иш ҳақининг ҳар бир сўмига яна қўшимча 1 сўм 74 тийиндан пул олдилар. Қўшбоқ Эгамбердиев, Худайназар Эрбўтаев, Орзиқул Олишев ўртоқлар бошлиқ звеноларда ҳам ана шундай ютуқлар қўлга киритилди.

Даромад ошган сайин бўлинмас фондга ҳам кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Шу сабабли, колхозда ободончилик ишлари яхшиланиб борянти. Янги мактаблар, болалар яслилари, турар жойлар, маъмурий бинолар қурилаётир, йўллар асфальтланмоқда. Колхозда қурилаётган маданият саройи битиш арафасида турибди. Янги касалхона ҳам қурилиши мўлжалланмоқда. Хуллас, меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий фаровонлиги йил сайин ошиб борянти.

Етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қўпайтириш билан бирга унинг таннархини арзонлаштириш учун кураштирилмоқда. Қишлоқ хўжалик артелининг асосий тармоғи бўлган пахта етиштириш бир мунча арзонлаштирилди. Масалан, 1967 йилда 1 центнер пахта етиштириш учун 35 сўм 61 тийин пул кетган бўлса, 1968 йилда 1 центнер пахта етиштириш учун 33 сўм 82 тийин сарфланди. Шунингдек, 1967 йилдагига нисбатан пилла, шоли ва сут етиштириш таннархлари ҳам анча арзонлаштирилди.

Лекин гўшт, жун, тухум, мева ва сабзавот етиштириш таннархлари 1967 йилга нисбатан анча ошиб кетган.

— Кейинги йилларда хўжаликда меҳнат интизоми яхшиланди, — деди бригада бошлиғи ўртоқ Д. Маматкаримов, — натижада колхозимизнинг даромади тобора ошиб бормоқда, ҳосилдорлик ҳам кўтарилаётир. Бизнинг бригада ўтган йили 115 гектар ернинг ҳар гектаридан 28,5 центнердан, яъни пландаги 230 тонна ўрнига 330 тонна «оқ олтин» етказиб берди. Мўл ҳосил етиштирганлигимиз туфайли катта даромад эгаси бўлиб турибмиз. Бу йил гектаридан 30 центнердан ҳосил етказиб бериш учун курашамиз.

Музокарада сўзга чиққан звено бошлиғи Б. Қурбонбоев, колхозчи Х. Абдуназаров, колхоз бош инженери А. Қўшбоев ва бошқа ўртоқлар «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси олдига бир қанча ўринли талаблар қўйдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши қатнашчилари 1969 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш ва маҳсулот таннархини камайтиришга қаратилган муҳим тадбирлар белгиладилар.

Т. УМУРЗОҚОВ.

КОЛХОЗЛАРДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

ФАЙЗЛИ ҚИШЛОҚЛАР

КПСС Марказий Комитетининг «Қишлоқ ва посёлка Советлари ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарори ҳамда Иттифоқ ва республикамиз Олий Советлари сессияларининг «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг асосий ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонунлари маҳаллий совет органлари ролини, мавқе ва обрўсини янада ошириш мақсадларини кўзда тутган.

Бу қарор ва қонунлардан руҳланган ва уни изчил бажариш борасида жонбозлик кўрсатаётган Юқори Чирчиқ районидаги Оқовул қишлоқ Совети депутатлари ва доимий комиссиялари аъзоларининг иш тажрибалари мақтовга лойиқдир.

Қишлоқ Советининг раиси Ўртоқ Соғиндиқ Назарбеков қишлоқнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Оқовул қишлоқ Совети, — дейди у. — 1926 йилда ташкил топган. Уша пайтда кўримсиз, пастқам уйларгина кўзга ташланарди. Меҳнаткашлардам оладиган тузукроқ маданият ўчоқлари йўқ эди. Тельман ва «III Интернационал» қишлоқларида иккитагина бошланғич мактаб мавжуд эди. Бу ерда яшайдиган аҳолининг сони 5 минг кишидан ошмасди. 1956 йилга келиб бу ерда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Янгибозор, Каводон, Қарши қишлоқ Советлари бирлаштирилгач, ободончилик ишлари кенг авж олдириб юборилди. Янгидан-янги турар жой ва жамоат бинолари қад кўтарди. Қишлоқда ҳозир 15 мингга яқин аҳоли истиқомат қиляпти.

Қишлоқ территориясида 30-дан ортиқ турли ташкилот ишлаб турибди. «Қорақалпоқ» богдорчилик совхози, машҳур «Политотдел» колхозининг «III Интернационал» ва «Ковордон» участкалари шу қишлоқ Советига киради. Текис, кенг кўчалардан сайр қилиб борар экансиз, қишлоқ аҳолисига хизмат қилаётган савдо шохобчалари, мактаблар, болалар боғчалари, клуб, касалхона, кутубхона бинолари кўзга ташланади. 32 магазин, 5 та ўрта, 8 та саккиз йиллик, 1 бошланғич мактаб қишлоқ меҳнаткашларининг 4 мингга яқин фарзандига таълим-тарбия бермоқда. Мактабларда 118 олий маълумотли ва 100 га яқин ўрта маълумотли ўқитувчи ишлайди. 4 чойхона, 3 сартарошхона, 5 киноустановка, марказий кутубхона, 3 ўқиш зали ҳамиша аҳоли хизматида.

Қишлоқ Совети меҳнаткашларнинг соғлиғини сақлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ҳозир қишлоқда 125 ўринли касалхона, 5 фельдшер-акушерлик медицина пунктлари ишлаб турибди.

Ҳар бир хонадон тўқ ва бадавлат. Ильич чироқлари порлаган, 2800 хонадонда радиоприёмник, 1200 хонадонда телевизор бор. 1150 хўжалик «зангори олов» дан фойдаланмоқда. 2 мингга яқин киши давлат томонидан пенсия олади. Қишлоқда 5 та қаҳрамон она бор.

Ўтган йилнинг ўзида қишлоқ Совети депутатлари бошчилигида 85 ҳовли тўйи ўтказилди. «III Интернационал» қишлоғида 630 ўринли ўрта мактаб қад кўтарди. 1 та медицина пункти, янги болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Паркет сойига темир-бетон кўприк қурилди. 2 та алоқа бўлими иш бошлади. Аччисой қишлоғи аҳолиси Ильич нуридан баҳраманд бўлишди. Депутатлар кўкламзорлаштиришни ҳам эсдан чиқараётганлари йўқ. Улар жамоатчилик билан биргаликда ўтган йили 13 минг туп мевали дарахт ўтказишди.

Шу кунларда ҳам қишлоқ Совети территориясида қурилиш ишлари авжида. «Ковордон» қишлоғида 630 ўринли ўрта мактаб бунёд этиляпти. Водопровод қувурлари ўтказилиб, ҳаммом қуриляпти. «III Интернационал» участкасида спорт иншоотлари бу йил ўз стадионларига эга бўладилар.

Қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший ва медицина хизматини янада яхшилаш мақсадида 240 ўринли касалхона, 18 киши савдо қиладиган универсал магазин, 250 кишига мўлжалланган клуб қуриш планлаштирилган. Қишлоқларнинг шундай обод ва файзли бўлаётганлиги деҳқонларнинг астойдил меҳнати самарасидир. Улар гектаридан 34—36 центнердан пахта ҳосили олияптилар. Ўтган йили 696 гектар каноп майдонининг ҳар гектаридан 170 центнердан ҳосил кўтарилди. Хўжаликнинг даромади ана шунга қараб кўпайди.

Қишлоқ Советининг раиси бундай ютуқларни қўлга киритишда кенг жамоатчиликка бошқош бўлаётган депутатлар номини ҳурмат билан тилга олади. 85 депутатни ўзига бириктирган 8 доимий комиссиянинг ўрнак бўларли ишларини хурсанд бўлиб сўзлайди.

Қишлоқ Совети депутатларидан Р. Давидова, Х. Обидов, Р. Д. Деко, И. Назиров, Х. Қосимова, З. Ёқубов, М. Нишонбоев, М. Миртурсунов ўртоқлар ишчанликлари, ташаббускорликлари билан катта обрў ва ҳурмат қозонишган.

Ҳозирги кунларда қишлоқ Совети, унинг депутатлари, доимий комиссиялари улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини, маҳаллий Советларга бўладиган сайловларни муносиб кутиб олиш учун курашмоқдалар.

Э. ИСҲОҚОВ.

ҚЎЙЛАР ҚЎЗИЛАМОҚДА

Шу кунларда қайси чорва фермасида бўлсангиз, чорвадорлар қизғин меҳнат қилаётганини кўрасиз. Уларни гоҳ эндигина туғилган қўзилар ёнида, гоҳ совлиқларни озиқлантираётган вақтда учратасиз.

2-«Оҳангарон» совхозининг А. Усмонов бошчилик қилаётган чорва фермасида ишлар қизғин. Ҳасан Пўлатов 450 та совлиқни парвариш қиляпти. У бу совлиқларни қиш мавсумидан яхши чиқиши учун ҳамма чораларни кўриб қўйган. Шу кунга қадар Х. Нўлатов отаридаги 450 совлиқнинг 200 таси қўзилади. Қўзилар учун иссиқ хоналар ажратилган.

Шунингдек, А. Ботиров ҳам ўз отаридаги 600 бош совлиқни кўнгилдагидек парвариш қиляпти. Отаридаги совлиқларнинг кўпчилиги эгиз қўзилаяпти. 70 ёшга кирган бу отахон ўзи парвариш қилаётган ҳар юз бош совлиқдан 140 тадан қўзи олиш учун курашяпти.

М. САРИМСОҚОВА,
Ўрта Чирчиқ райони.

БИР КОЛХОЗНИНГ ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРИ

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг аъзоси Мели Зокиров чорва молларини боқишда бошқаларга ўрнак бўлмоқда. У ҳашакларни майдалаб бериши сабабли чорва озуқаси нес-нобуд бўлмаяпти. Суратда: М. Зокиров.

Шу колхознинг моҳир сут соғувчиси Матлуба Султонова ўтган йили 18 бош сигирдан 32 тонна сут топширди. Бу йил сут булоғини янада кўпайтириб, 35 тонна маҳсулот топшириш учун курашяпти.

Б. Ғафуров фотолари.

ҚАЧОН БИТАДИ?

Бу саволни Янгийўл районидаги Охунбобоев номли 63-ўрта мактаб ўқитувчиларидан тез-тез эшитиб турамиз. Бунинг сабаби бор, албатта.

Бундан икки йил аввал колхозлараро қурилиш ташкилоти мактабга қўшимча бешта синф хонаси қуриб беришни ўз зиммасига олган эди. Бироқ бошланган иш орадан бир ой ўтар-ўтмас таққа тўхтади.

Мактабда 1300 дан зиёд ўқувчи билим олади. Синф хоналари етишмаслиги натижасида талабалар жуда қийналишяпти. Ҳатто, ўқиш учун мосланмаган хоналарда машғулотлар ўтказишга мажбур бўлиняпти.

Ачинарлиги шундаки, чала қолган синф хоналарининг деворлари қор-ёмғирда нураб кетмоқда, келтирилган қурилиш материаллари эса ҳар қаерда чочилиб ётибди. Лекин, бу аҳволни қурилиш ташкилоти раҳбарлари била туриб, парволарига ҳам келтирмай юришлари кишини ажаблантиради. Улар қачонгача пинакларини бузишмайди?

Т. НУРҚУЗИЕВ.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ДУСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

ДЕҲЛИ, 12 февраль. (ТАСС). Ҳиндистон парламентининг таклифига биноан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси И. В. Спиридонов дўстлик визити билан бугун бу ерга келди.

«ТУ—134» ГДРНИНГ ХАЛҚАРО АВИАЛИНИЯЛАРИДА

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасининг «Интерфлюг» авиакомпанияси бу йил Лейпциг—Вена—Лейпциг ва Лейпциг—Копенгаген халқаро линияларида совет лайнери «Ту—134» дан биринчи марта фойдаланади. Бу линияларда кўклам фаслида Лейпцигда очиладиган ярмарка қатнашчилари ва меҳмонларга хизмат кўрсатади.

Ярмарка қатнашчилари биринчи марта бундан 50 йил муқаддам, 1919 йилда самолётда Лейпцигга келтирилган эди.

(ТАСС).

МОЗАМБИК ОЗОДЛИК ФРОНТИНИНГ ЯНГИ РАИСИ

ДОРУССАЛОМ, 12 февраль. (ТАСС). Мозамбик Озодлик фронти раисининг ўринбосари Уриа Симанго ёвузларча ўлдирилган Эдуардо Мондлане ўрнига Мозамбик Озодлик фронти раиси вазифаларини бажариб туради. Мозамбик Озодлик фронти Марказий Комитетининг навбатдаги мажлисида фронтнинг янги раиси сайланади.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДАГИ ЖАНГЛАР

ХАНОЙ, 12 февраль. (ТАСС). Озодлик Халқ қуролли кучларининг қисмлари Жанубий Вьетнамдаги Америка — Сайгон қўшинларига қарши муваффақиятли жанг операцияларини давом эттириб, 8 ва 10 февраль кунлари мамлакатнинг турли районларидаги 11 шаҳарда ва ҳарбий базада душманнинг позицияларига бир неча марта ҳужум қилдилар.

ВИА агентлигининг хабар беришича, Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Фанранг, Гоконг ва Ратьзя вилоятларининг марказларида Америка—Сайгон қўшинларининг позицияларига ҳужум қилганлар. Ратьзя яқинидаги жангнинг ўзида ватанпарварлар душманнинг 50 дан ортиқ солдат ва офицерини сафдан чиқарганлар.

10 февралга ўтар кечаси бўлган жанглардан бирида ватанпарварлар душманнинг 40 га яқин солдат ва офицерини ўлдирганлар ёки ярадор қилганлар.

ҒАРБИЙ БЕРЛИНДАГИ ЯНГИ НАЦИСТЛАР АКТИВЛАШМОҚДА

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, 12 февраль. (ТАСС). Ғарбий Берлин шаҳар маъмуриятининг йўл қўйиб беришидан фойдаланиб янги нацист партияси ўз фаолиятини активлаштирмоқда. Шу ҳафта бу ерда Ғарбий Берлин янги нацист партияси район ташкилотларининг конференциялари ўтказилмоқда. Конференцияларнинг қатнашчилари национал-демократик партиянинг 21—22 февралда Байрейтда (Германия Федератив Республикаси) ўтказиладиган федерал съездига делегатлар сайлашлари лозим. Ғарбий Берлин национал-демократик партияси доираларидан маълум бўлишича, федерал съезд муҳокамасига киритилган бир қанча резолюцияларда Фон Тадденнинг ва Ғарбий Германия янги нацист партияси бошқа бошлиқларининг Ғарбий Берлинда нутқ сўзлашлари йўли билан янги нацистларнинг Шпрей соҳилларидаги активлигини кучайтириш талаб қилинади.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯНГИ ИҒВОГАРЛИГИГА ҚАРШИ

ОТТАВА, 12 февраль. (ТАСС). Канада Коммунистик партияси Марказий Иҳроия Комитетининг баёнотида бундай дейилади: Бонн маъмурларининг Ғарбий Берлиндан ГФР нинг янги президентини сайлаш учун фойдаланиши тинчлик иши учун хатарли оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган янги иғвогарликдан бошқа нарса эмас. Чунки, дейилади баёнотда, Ғарбий Берлиннинг Германия Федератив Республикасига ҳеч бир алоқаси йўқ.

Компартия Канада ҳукуматини тинчлик мақсадларини кўзлаб Ғарбий Германия федерал йиғилиши мажлисини Ғарбий Берлинда ўтказиш планларини бекор қилишни талаб этишга чақиради.

ИСРОИЛ ИҒВОГАРЛИГИНИНГ ҚУРБОНЛАРИ

АММОН, 12 февраль. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Иордания билан ўт очиш тўхтатилган чизиқдаги вазиятни тинимсиз кескинлаштирмоқдалар.

Иордания ҳарбий қўмондонлиги вакилининг бу ерда айтган гапига қараганда, босқинчиларнинг 8 та қирувчи самолёти ва 2 та вертолети кеча Иорданиянинг осмон чегарасини бузиб ўтиб, Ассаффи тоғи атрофидаги Иордания қўшинлари позицияларини 20 минут давомида напалм бомбалари билан бомбардимон қилди. Бомбардимон натижасида иордан солдатларидан 4 киши ўлди ва 6 киши яраланди.

Ҳарбий вакилнинг айтишича, шу кеча кундуз давомида Исроил самолётлари Иорданияга бир неча марта ана шундай ҳужум қилди.

БИР БУРДА НОН ҚИДИРИБ

АНҚАРА, 12 февраль. (ТАСС). Туркия меҳнат биржасининг бош директори Наки Тезел Анқара телевидениеси орқали гапириб, турк ишчиларидан 247.246 киши чет элларга жўнаб кетганлигини айтди. Яна 700 минг киши, деди у, чет элга жўнаб кетиш учун навбат кутиб турибди.



ЯПОНИЯ. 1970 йил 15 мартда Осакада «ЭКСПО—70» халқаро виставкаси очилади. Виставка қурилиши бошлаб юборилди. Суратда: бу ерда виставка маъмурий маркази биноси қад кўтаради.

Кидо—ТАСС фотоси.

УЗОҚ ЯЙЛОВЛАРГА

ТАХТАКЎПИР. Изгирин совуқ ва қаттиқ шамол бўлишига қарамай, узоқдаги «Калахдарё» ва «Томарастов» яйловларига агитмашина билан автоклуб юборилди.

Агитаторлар, район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари чорвачилик фермаларида бўлиб, маҳаллий Советларга бўладиган сайлов тўғрисида суҳбат ўтказадилар, чорвадорларга концерт кўйиб берадилар.

ЧИМҚУРҒОН ҚАЛҚОНИ

ҚАМАШИ, (Қашқадарё области). Чимқўрғон сув омбори реконструкция қилиб бўлинди. Бу ишни «Пачкамарводстрой» бошқармасининг коллективи бажарди. Тўғоннинг қуйи қисми мустаҳкамланди.

Дарёга ва ён тарафдаги магистрал каналларга тез орада аввалгидан анча кўп сув бера бошлайдиган иншоот марзасига 12 минг куб метр бетон ётқизилди. Тупроқ ва бетон ишлари изгирин совуқ бўлиб, қор ёғиб турган пайтларда ҳам кечаю кундуз тинимсиз олиб борилди. Қурилишда Қамаши, Чироқчи ва бошқа районларнинг юзлаб колхозчилари ва совхоз ишчилари қатнашдилар.

ҒОЛИБ ХОТИРАСИ

ЧЕТ мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти, Совет—Ҳиндистон ва Совет—Покистон маданий алоқа жамиятларининг республика бўлимлари Ҳиндистон ва Покистон адабиёти классиги Мирзо Асадуллахон Ғолиб вафот этган кунинг юз йиллигига тайёргарлик кўруви комиссия тузди.

Комиссия Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия раислигида ўтказган мажлисида ана шу йиллика тайёргарлик қандай бораётганлигини муҳокама қилди. Март ойининг иккинчи ярмида Тошкентда Ғолибга бағишланган кеча ўтказишга қарор қилинди. Республика Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти Тошкент давлат университетининг шарқ факультети билан биргаликда илмий конференция уюштиради. Ғолибнинг шеърлар тўплами ва унинг ҳаёт йўли тўғрисидаги рисола ўзбек тилида босмага тайёрланмоқда.

СЕРҚУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИШЧИЛАРИ

ФАРҒОНА. Областдаги пахта тозалаш заводларида ишловчи ишчиларнинг қайси бири «оқ олтин»ни қайта ишлаб, ундан тола ҳосил қилиш маҳоратига эга? Қўқондаги 2-пахта тозалаш заводининг ходими С. Л. Бахарева, линтерчи М. Раҳимов ва Ўзбекистон районидаги заводнинг старший пресчиси У. Ғиёсов шундай маҳоратга эга бўлдилар:

Тўқимачилик саноати ва енгил саноат ишчилари Касаба союзи Фарғона область комитети область пахта тайёрлаш трести билан биргаликда ўтказган конкурсда ана шу ишчилар ғолиб чиқдилар.

Кўрик лауреатлари тажрибали ишчилар бўлиб, пахта тозалаш заводларида кўп йиллардан буён ишлаб келмоқдалар. Улардан ҳар бири минг-минг тонналаб пахтани қайта ишлаган. Улар машина — ускуналардан унумли фойдаланиб ва фақат аъло сифатли тола ишлаб чиқаришда бу областда энг яхши натижаларга эришдилар.

Фарғона областининг энг яхши ишчиларига пул мукофотлари берилди. (ЎзТАГ).



СУРАТЛАРДА: (чапда) Янги район универмаги газламалар бўлимининг сотувчиси Дилбар Иўлдошева харидорларга хизмат қилмоқда. Шу универмагнинг оёқ кийимлар бўлимида (охирги сурат). (Ўртада) маданий моллар билан савдо қилувчи янги магазининг радио ва телевидение билан савдо қилувчи бўлими.

А. Абалян фотолари.

ҚИШЛОҚДА САВДО

ХАРИДОРЛАР МАМНУН

Қишлоқларда аҳолига маҳсулот сотишнинг махсуслаштирилган шакли маъқул тушмоқда. Савдонинг бу янги шаклида харидор бирон магазинга кирса қуруқ қайтмайди. Чунки бир хил маҳсулотнинг бир қанча турлари прилавкадан ўз ўрнини олади. Харидор ана шу маҳсулотлардан ўз дидига мос тушганинигина сотувчидан ўлчаб ёки тортиб беришни талаб қилади. Бу харидорга ҳам. сотувчига ҳам қулай эканлигини савдо ходимлари ўз тажрибаларида кўришяпти.

Оржоникидзе район матлубот жамияти савдонинг ана шу янги шаклини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беряпти ва бир қанча тадбирлари амалга ошираётир.

Район маркази Қибрайнинг кундан-кунга чиройи очилиб бормоқда. Бу ердаги қатор маъмурий бинолар ёнига яна бир қанча савдо, маиший хизмат кўрсатиш комбинати бинолари ҳам қўшилиб бормоқда.

Яқинда район универмаги харидорларга хизмат қила бошлади. Янги универмаг тайёр кийимлар, оёқ кийимлари, газламалар, галантерия моллари билан савдо қиладиган тўрт бўлимга эга бўлиб, ҳар бир бўлим малакали сотувчилар билан таъминланган. Харидорга мол сотишда катта ролни ана шу ерда хизмат қилаётган савдо ходими ўйнайди. Агарда у харидор талабини тушуниб. муомалани жойига қўядиган, ширинсўз бўлса, ҳам плани бажарилади, ҳам харидорлар таҳсинига сазовор бўлади.

Матлубот жамияти ходимлари прилавка ёнида туриб ишлайдиган ходимларни ана шу фазилатларга эга бўлишлари учун ҳамма тадбирларни кўришяпти. Шунинг учун ҳам янги универмаг ишга тушганидан бери бу ер гавжум бўлиб қолди. Бирон кийимлик газмолни Маҳсума Жаҳонгировадан харид қилиб олсангиз, бу ерда хизмат кўрсатиш столида ўтирган Зинанда Павловна уни қоматингизга мос тушадиган шаклда бичиб беради.

Чирчиқ томон кетаверишда кўчанинг чап томонида аҳолини мамнун қиладиган яна бир тадбир амалга оширилганини кўрсангиз савдо ходимларига беихтиёр раҳмат дейсиз. Болаларингиз учун турли ўйинчоқлар керак бўлса Хусноро Тўраева сизни хизматингизда. Радио ва телевизорлар спорт, комиссион товарлар билан савдо қилувчи бўлимлардагилар ишидан ҳам кўпчилик мамнун.

Ҳамма қулайликларга эга бўлган яна бир янги бино сотувчилар хизматида. Бу ерда озиқ овқат маҳсулотлари доим етарли миқдорда. Озиқ-овқат маҳсулоти билан савдо қилувчи бу магазинда харидорларнинг талаблари тўла ҳисобга олинган.

— Биз, дейди район матлубот жамияти правлениесининг раиси Ўртоқ Ҳ. Раҳматуллаева, — савдонинг ана шу янги шакли афзал эканлигини ўз тажрибамизда кўряпмиз. Савдонинг бу шакли кўплаб маҳсулот сотиб, планни ошириб бажаришда бизга катта ёрдам беряпти.

Дарҳақиқат, улар ана шу савдонинг янги махсуслаштирилган шаклига катта эътибор беришяпти. Йил бошидан бери 7 та ана шундай янги магазин очилганлиги бунинг яққол мисолидир.

Ўтган йили матлубот жамиятининг ходимлари аҳолига намунали маданий савдо хизмати кўрсатганликлари натижасида йиллик товар обороти плани 37 миллион 200 минг сўм ўрнига 38 миллион 290 минг сўм қилиб ошириб бажардилар.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам уларни мақсадлари катта. Йиллик планни 25 декабргача адо этишга қаратилган. Бу йилнинг дастлабки ойида ҳам аҳолига 1 миллион 450 минг сўмлик турли озиқ-овқат, саноат, хўжалик моллари келтириб сотилди.

В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йилигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилган матлубот жамиятининг қатор савдо ходимлари ажойиб ютуқларни қўлга киритишяпти. Қорақиз Юсупова, Мирзаахмад Мирдадаев, Аъзам Ҳусаинов, Саъди Саримсоқов каби ўртоқлар аҳолига маданий савдо хизмати кўрсатишда намунали ишлаб ойлик, квартал, йиллик планларини бажаришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг мақсади аҳоли талабини янада тўлароқ қондиришдир.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ЖАҲОН ФИЛЬМЛАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Ўтган йили «Ўзбекфильм» киностудиясида турли мамлакатларнинг 65 фильми ўзбек тилига дубляж қилинди.

Республика кинофильмлар прокати конторасиоластларга фильмларнинг ана шу дубляж қилинган вариантларини юборди. Томошабинлар «Момо ер», «Николай Бауман», «Сергей Лазо», «Генерал Раҳимов», «Плюшчихадаги учи терак», «Доктор Вера» ва бошқа фильмларни ўзбек тилида кўрдилар.

Бу йил студия ходимлари 80 га яқин фильмни ўзбек тилига дубляж қилиш ниятидалар. Булар орасида чет эл фильмлари ҳам алоҳида ўрин олган. ГДР нинг «Дефа» кино студияси маҳсулоти бўлган «Канадалик қиши», Монголиянинг «Чекиниш», ҳинд фильми «Кашмирдаги севги», шунингдек «Сирли монах», «Портдаги ҳодиса», «Эркачасига суҳбат» фильмлари экранларда ўзбек тилида ҳам намойиш қилинади.

— Тошкентда, — дейди фильмлар ҳаракати бўлимининг бошлиғи И. Саянин, — шу кунларда бир қатор янги картиналар намойиш қилиняпти. Руминия киностудияси маҳсулоти «Осмон учинчи қаватдан бошланади», Одесса киностудияси тайёрлаган «Паришта куни» ва бошқа фильмлар экранга чиқарилди. Бу фильмларда томошабинларга яхши таниш бўлган Иван Переверзев, Николай Крючков, Наталья Фатеева, Борис Андреев, Анатолий Азо ва бошқа кино юлдузлари қатнашганлар.

Шунингдек, шу ойда Владимир Ильич Ленин ва Надежда Константиновна Крупская ҳаёти ва революцион фаолиятини акс эттирувчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш этилади.

А. КИМ.

ИНСТИТУТДА КЎРГАЗМА

Бу бадиий кўргазманинг ташкил этилишига дўстлик ёзишмалари сабаб бўлди. Полтавалик зиёкор ўртоқ Н. Крестнин серқуёш республикамиз ижодкорлари, хусусан мўйқалам соҳиблари билан кўпдан бери хат орқали алоқа боғлаб келади. Ў СССР халқ рассоми Ў. Танситоев, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Ч. Аҳмеровлардай ҳам жавоб хатлари олган.

Ўртоқ Крестнин Ўзбекистон ССР Рассомлар Союзига яқинда йўллаган мактубида ўзи ўқитувчилик қилаётган Полтава педагогика институтида мўйқалам соҳиблари асарлари кўргазмасини ташкил этиш истаги туғилганлигини маълум қилган эди. Бу таклиф бажонидил амалга оширилди.

Орадан кўп ўтмай Полтава педагогика институти биносида Ўзбекистон рассомларининг кўчма кўргазмаси очилди.

КЛУБ ЧИРОҚЛАРИ

«Улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллигига маданият ўчоқларида қандай тайёргарлик кўрилмоқда?», «Клуб ходимларининг навбатдаги вазифалари нималардан иборат?».

Мухбиримиз ана шу саволлар билан Ўзбекистон ССР театр жамияти раисининг ўринбосари ўртоқ Р. Қориевга мурожаат қилди.

— Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда маданий-оқартув муассасаларининг роли катта, — дейди ўртоқ Р. Қориев. — Маданият ўчоқлари сиёсий-оммавий, маданий маиший тадбирлари билан кишиларда меҳнатга коммунистик муносабатни тарбияламоқда. Ватан ва халқ ишига садоқат, инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилмоқда.

Бундай муҳим вазифаларни амалга оширишда клубларнинг ҳам ҳиссаси катта. Барча касб эгалари қатори клуб ходимлари ҳам буюк доҳий юбилейига катта тараддуд кўришмоқда. ВЦСПС ва Ўзбекистон ССР Касаба союзлари республика Совети ташаббуси билан яқинда Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон касаба союзлари клуб ходимларининг республикаларо кенгаш-семинари ана шу масалага бағишланди.

Кенгаш-семинарда Тошкент иши намуналари йўлга қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди. Чирчиқ электрохимия комбинати областидаги қатор клублар маданият саройи улуғ сана олдидан айниқса мақтаса арзигулик тадбирларни амалга ошираяпти.

— Чирчиқдаги бу маданият ўчоғининг фаолияти ҳақида бироз тўхталиб ўтсангиз?

— Республикамиздаги йирик маданият ўчоқларидан бири бўлган Чирчиқ электрохимия комбинати маданият саройи катта бой тажрибага эга. Бу ерда жамоатчилик асосида маданият ходимларининг соясти ташкил этилган. Кеча ва учрашувлар, лекция ва суҳбатлар, экскурсия ва походлар — ҳамма-ҳаммаси мазкур совет ёрдамида амалга оширилади. Шонли юбилейга ҳозирлик кўриш юзасидан ҳам қатор тадбирлар белгиланди. Буларнинг айримлари ҳозирдаёқ ўз самарасини кўрсатди.

Маданият саройида очилган Ленин хонаси кишилар билан доим гавжум бўлади. Бу ерда «Ильич ҳамиша биз билан» деган мавзуда экспозициялар ташкил этилди. Доҳийнинг мўътабар ҳаёти ва жўшқин революцион фаолияти акс эттирилган экспонатларни томоша қилиш вақтида Ленин ҳақида мазмунли суҳбатлар уюштирилади. Ильични кўрган кекса большевиклар ўз хотираларини ҳаяжон билан сўзлаб берадилар.

Кейинги икки-уч ой ичида бир неча тематик кечалар ҳам ўтказилди. Химикларга «Ленинча чақириққа қўшилган коммунистлар», «Бизнинг азиз меҳмонимиз», «Бизнинг Ильич», «Партия режалари — халқимиз режаси», «Бизнинг шаҳримиз», «Улар комбинат шуҳратига шуҳрат қўшдилар» деган кечалар айниқса манзур бўлди.

Саройда «Шон-шуҳрат хонаси» ҳам бор. Чирчиқ кимёгарларининг ажойиб меҳнат традициясини ҳикоя қилувчи стендлар кўзга яққол ташланиб турибди. «Оталар традицияси — ишончли қўлларда» деган мавзуда ўтказилаётган ёш ишчилар кечалари кимёгарлик касбини тагин ҳам улуғлашда муҳим роль ўйнаётир. Хона совети шу йилдан бошлаб «Цехимни, ўз касбимни севаман» деган туркум кечалар ташкил этди.

Улуғ доҳий юбилейи олдидан сарой бадиий ҳаваскорларининг фестивалини ўтказиш ҳам планлаштириб қўйилди. Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозда ишланадиган «Уроқ ва болға» байрами катта шодиёнага айланади. Бундан ташқари Чирчиқнинг Ленин орденли довгдорлари билан учрашувлар ўтказилади, кимёгар-рассомлар асарлари кўргазмаси ташкил этилади.

— Клублар ҳузурида ташкил этилган халқ театрларининг катта санага тараддудлари қандай?

— Беш кунлик иш ҳафтасига ўтилгандан сўнг маданий-оқартув муассасаларининг масъулияти тағин ҳам ортди. Шу мусобат билан жойларда бир қатор янги ҳаваскорлик коллективлари ва халқ театрлари ишлай бошлади.

Тошкент шаҳар халқ театри ўз репертуарини доҳий ҳақидаги асарлар ҳисобига бойитди. «Революция номи билан» номли саҳна асари томошабинларга манзур бўлди. Худди шундай, Олмалиқ шаҳридаги клублар ҳузуридаги ҳаваскорлик коллективлари хизматидан меҳнаткашлар мамнундирлар.

Тошкент тўқимачилик комбинати Маданият саройи фаолияти ҳам мақтовга сазовор. Тўқимачи ҳаваскорлар ўз спектакллари билан кенг шуҳрат қозондилар.

Шундай қилиб, улуғ сана муносабати билан амалга оширилаётган ишлар мавзу жиҳатидан ҳам хилма-хилдир. Доҳий юбилейига тайёргарлик кўриш жараёнида клубларда маданий хизмат кўрсатишнинг яна бир қатор афзал формалари таркиб топди.

Клуб ходимларининг республикалараро кенгаш-семинарида ана шу илғор тажрибаларни кенг ёйиш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди.

А. АЛИЕВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00— **Ф. Кривин. Чўнтак мактаби.** 18.40 — **Телеянгиликлар,** 18.55—**Ўзбек диёрининг милицияси,** 19.25 — **Ўзбекистон эстрада усталари, Э. Қандов куйлайди.**

Ўзбек тилида: 20.00 — **Телеянгиликлар,** 20.15—**Қишлоқ университети,** 20.35—**Уруш ва тинчлик** (учинчи серияси). 22.00—**Қўшиқ ёзувчи шоирлар, Туроб Тўла.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

19.30—ЁШ ИЖРОЧИЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНКУРСИ ЛАУРЕАТЛАРИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТИ (Тошкент Давлат Консерваторияси залидан олиб кўрсатилади).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 14/II **да Корсар.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/II **да Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/II **да Бағри тош.**

КИНО

Катта маневрлар — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Ака-ука Карамазовлар (1-2 сериялар) — **«ЧАПКА»** (кундуз соат 2 ва кеч, 7 да), **САНЪАТ САРОЙИ** (кеч соат 6.15 минутда).

Марися ва Наполеон — «ЧАПКА», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), **НАВОИЙ номли** (кундуз соат 1, 4.40 минутда ва кеч 8 да).

Қатъий сир тутилган премьералар — «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «НАВОИЙ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ЯККА ТАРТИБДА БУЮМЛАР ТИКИШ ФАБРИКАСИ

аҳолидан чеклаймаган миқдорда эркак ва аёлларнинг устки буюмлари, аёлларнинг енгил кўйлаклари, ателье ва буюртма чиларнинг материалларидан эркакларнинг шим ва сорочкаларини тикиб бериш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртмалар қисқа муддатда, замонавий кўринишда, мавсум, модасига мос қилиб малакали усталар томонидан бажарилади. Бундан ташқари ателье салонларида тайёр буюмлари ва полуфабрикатлари сотиш учун магазинлар ташкил қилинган.

РАЙОНЛАР БЎЙИЧА АТЕЛЬЕЛАР АДРЕСИ:

Ленин райони бўйича:
№ 1 — Киров кўчаси, 31-уй;
№ 4 — Апанасенко кўчаси, 11-уй;
№ 5 — Киров кўчаси, 37-уй ва Ўзбекистон кўчаси 8-уй;
№ 6 — Кафанов кўчаси (Госпиталь бозори олдида).

Куйбишев райони бўйича:
№ 9 — Учительская кўчаси, 3-уй;
№ 18 — Високовольтная ва Морозова кўчалари, 4-уй;
№ 14 — Олой бозори;
№ 29 — Луначарский шоссеси;
№ 33 — Пушкин кўчаси, 99-уй;
№ 36 — Луначарский маркази.

Фрунзе райони бўйича:
№ 2 Ш. Руставели кўчаси, 52-уй ва В. Хмельницкий кўчаси, 2-уй;
№ 11 — Первомайский бозори;
№ 37 — Ш. Руставели кўчаси, 132-уй;
«Молния» — Маиший хизмати шаҳарчаси «Марказий бозор».

Чилонзор райони бўйича:
№ 8 — Волгоградский кўчаси ва Савдо маркази;
№ 13 — Савдо маркази;
№ 34 — 9-Январь кўчаси, 65-уй;
№ 36 — Есенина кўчаси, 10-уй. Чилонзор, 9-квартал.

Киров райони бўйича:
Ателье филиали № 3 — Энгельс кўчаси, 48-уй;
№ 15 — Карамурский кўчаси, 15-уй;
№ 25 — Библиотечний кўчаси, 11-уй;
№ 26 — Уста-Ширин кўчаси, 88-уй ва Асбобсозлик заводи.

Октябрь райони бўйича
№ 3 — У. Юсупов кўчаси, 8-уй;
№ 10 — У. Юсупов кўчаси, 25-уй;
№ 17 — Октябрь бозори;
№ 24 — Ҳақиқат кўчаси, 62-уй;
№ 31 — С. Раҳимов кўчаси ва Ҳамза кўчаси, 37-уй;
№ 41 — Уйғур кўчаси, Ҳақиқат проезди, 2-уй.

Ҳамза райони бўйича
№ 12 — 4-тупик жой шаҳарчаси, Проектная кўчаси, 113-уй;
№ 7 — К. Маркс кўчаси, 53-уй;
№ 28 — Қўйлиқ бозори;
№ 38 — Боткин кўчаси;
№ 39 — Куйбишев шоссеси.

Сергели райони бўйича
№ 22 — Сергели.

Аҳолига қулайлик туғдириш учун ателье ва ҳамма салонлари эрталаб соат 10 дан кеч соат 8 гача ишлайди.

№ 3, 24, 34, 31 ателье лар дам олиш куни сиз ишлайди.

№ 1, 8, 15 ателье лар якшанба ва душанба кунлари дам оладилар.

Қолган ателье ларнинг дам олиш куни — якшанба.

БИЗНИНГ АТЕЛЬЕЛАРИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

1969 йил 27 февраль кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг физика-техника ва математика фанлари бўлимларининг техника фанлари бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Ўрта Осиё ирригациялаш илмий-тадқиқот институти конференц-залида, Я. Колас кўчаси, 23 уй) техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Б. Г. Маллаев: «Оқим характеристикаларини, гидротехника иншоатлари қуйи бьеф қурилмалари устидаги ўта гадир-будирлик шароитида тадқиқ қилиш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕКЛАЙДИ

Диссертация билан академия кутубхонасида (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй) танишиш мумкин.

А. НАВОИЙ НОМЛИ КАТТА ТЕАТРГА

театр билетларини тарқатиш бўйича вакиллар, декорация монтировкачилари (саҳна ишчилари), **электр билан ёритувчилар, костюмерлар, дурадгорлар, ёрдамчи ишчилар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 28-уй.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети радиоэшиттириш ва Телевидение Давлат комитетининг коллективи радио ҳалқ хўжалиги асбоблари окрестрининг солисти Х. Султоновга онаси

Бумайрам

УСМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Спорт

ЧАРМ ҚЎЛҚОП ЧЕМПИОНЛАРИ

Бу йил наманганлик спорт ишқибозларининг омади келди, десак янглишмаган бўламиз. Улар бутуниттифоқ ва республика биринчилиги мусобаҳаларини ўз шаҳарларида томоша қилмоқдалар.

Январь ойининг ўзида ёшлар ўртасида басбетбол бўйича СССР биринчилигининг саралаш турнирини ва «Пахтакор» кўнгилли қишлоқ спорт жамияти марказий советининг ғолиблиги учун эркин усулда мусобақалашадиган полвонларнинг баҳсини кўришга муваффақ бўлган эдилар.

Яқинда эса бу ерга республиканинг энг кучли боксчилари тўпланишди. Шаҳар марказида қад кўтарган йирик спорт саройида ўрнатилган рингда Тошкентлик Маматкарим Комолов, Ботир Усмонов, хоразмлик Бегмат Хожиев, «Динамо» вакили Алишер Рихсиев ва бошқалар ҳар томонлама чиниққанликларини намойиш қилдилар.

Ботир Усмонов икки учрашувда ғалаба қозонгач, ҳал қилувчи жангни СССР спорт мастери, ўтган йилги республика чемпиони Р. Хананов билан ўтказди. Кучли зарбалар билан жанг олиб борувчи Хананова қарши Ботир тўғри услуб қўллай олди ва ғалаба қозонди. Спорт мастерлари А. Рихсиев ва Б. Ниёзовлар учрашувни жуда чиройли ўтказганликлари учун иккаласи ҳам махсус мукофот билан тақдирланди.

Жиддий бахсдан кейин қуйидагилар республиканинг 1969 йилги чемпиони деган фахрли номни қўлга киритишди: Ҳ. Тиллахўжаев (Тошкент области), В. Ким, Р. Новрўзов, Б. Ниёзов. П. Чедниновских, Б. Усмонов, М. Ягудаев, Р. Шабельников. А. Аверьянов, В. Равенко (ҳаммаси Тошкент шаҳар командасидан); Х. Содиқов (Фарғона области).

Умумкоманда ҳисобида Тошкент-1 командаси устун келди.

Ғолиблар март ойида Қозон ва Саратов шаҳарларида ўтказиладиган СССР биринчилигида натнашадилар.

М. ИЛҲОМБЕКОВ,
мусобақа судьяси, республика тоифасидаги судья.

СОВЕТ ХОККЕЙЧИЛАРИ ПЕШҚАДАМ

Коптокли хоккей бўйича Швецияда ўтаётган жаҳон чемпионатида совет спортчилари пешқадам бўлиб олдилар. Улар биринчи ўйинда Финляндия командасини 10:1 ҳисобида, кейин эса майдон эгаларини 4:2 ҳисобида маглубиятга учратдилар. Чемпионат якшанба куни Швециянинг СССР терма командаси билан қайта учрашувидан сўнг якунланади.

ЕЗНИ ҚАРШИЛАБ

Ўтган чоршанба куни СССР терма командаси футболчилари Жанубий Америкага учиб кетдилар. Командамиз Колумбия, Перу, Бразилия. Чили ва Венесуэла мамлакатларида турли клублар ва миллий терма командалар билан 7 та ўртоқлик учрашуви ўтказади.

Совет терма командаси составига 18 футболчи киритилган. Булар дарвозабонлар — Пшеничников (ЦСКА) ва Дегтярев («Шахтёр»), ҳимоячилар — Пономарев, Шестериев ва Капличний (ЦСКА). Дзодзуашвили («Динамо», Тбилиси), Янец («Торпедо», Москва), ва Лисенко («Черноморец», ярим ҳимоячилар — Мунтян («Динамо», Киев), Еськов (СКА, Ростов), Сахаров («Динамо», Минск). Киселев («Спартак») ва Чумаков («Торпедо», Москва), ҳужумчилар — Метревели («Динамо», Тбилиси), Гершкович («Торпедо», Москва), Абдураимов (ЦСКА), Бишовец ва Хмельницкий («Динамо», Киев).

БИРИНЧИ МУКОФОТ ТОШКЕНТЛИК ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИДА

Рига шаҳрида совет ва чет эл енгил атлетикачиларининг ёпиқ залда қишки мусобақалари бўлиб ўтди. Бу мусобақада қатнашган тошкентлик Герман Кутянин жуда юқори натижага эришди. Ў 2 метр-у, 15 сантиметрлик баландликдан сакраб ўтди. Ғолибга Латвия ССР Министрлар Советининг мукофоти топширилди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ. Редактор — 835212. Редактор ўринбосарлари — 835885, 836232, Масъул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786, Партия турмуши. Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 838142, Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р. 01131. ИНДЕКС — 6469. Б—2187.